

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

234 **Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-
ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида**

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, шу асосда барча мулкчилик шакллари ва ишлаб чиқариш усулларидаги корхоналарда банд бўлган ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, шунингдек улар меҳнатининг хавфсиз шарт-шароитларини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилишнинг 106 та қоидаси ва нормаси ишлаб чиқилганлиги ва жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Меҳнатнинг янги техник ва технологик шартларига, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгартиришларга мувофиқ қайта ишланган Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда Дастур доирасида масъул бажарувчилар сифатида жалб этилган бошқа ташкилотлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш ташкил этилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва

сифатли амалга ошириш ишларини мувофиқлаштиришни таъминласин ҳамда йилнинг ҳар чорагида Дастурнинг бажарилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида» 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 39-модда) 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 20 июль,
153-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 20 июлдаги 153-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини
қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ДАСТУРИ**

Т/р	Норматив ҳужжатнинг номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
I. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тармоқлараро нормативлар			
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади			
1.	Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни суриштириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низом	2010 йил III чорак	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунара таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги
2.	Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг иш вақти ва дам олиш вақти тўғрисида низом	2011 йил I чорак	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
II. Тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари			
3.	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари:		
3.1.	тўқимачилик ишлаб чиқариши ходимлари учун	2010 йил IV чорак	«Ўзбекенгилсаноат» ДАК
3.2.	трикотаж ва тикувчилик ишлаб чиқариши ходимлари учун	2011 йил IV чорак	«Ўзбекенгилсаноат» ДАК
3.3.	электромагнит майдони, УВЧ, СВЧ (нурлантирувчи қурилмалли генераторлар) манбалари билан ишлашда (синаш, текшириш, аттестация, хизмат кўрсатишда)	2011 йил III чорак	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги

Т/р	Норматив ҳужжатнинг номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
3.4.	заҳарли газларни қўллаган ҳолда газ-анализаторларни текшириш, аттестация қилиш билан боғлиқ ишларда	2011 йил III чорак	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
3.5.	озиқ-овқат маҳсулотларини сертификация синовидан ўтказиш билан боғлиқ ишларда	2011 йил III чорак	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
3.6.	ионловчи нурлантириш манбаларини ва радиоактив моддаларни қўллаган ҳолда ионловчи нурлантиришни ўлчаш воситаларини аттестация қилиш, текшириш, синаш билан боғлиқ ишларда	2011 йил III чорак	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
3.7.	паст вольтли аппаратлар, электр-техник қурилмалар ва мураккаб маиший техникани сертификация синовидан ўтказиш билан боғлиқ ишларда	2011 йил III чорак	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
3.8.	тураржой ва жамоат биноларидан фойдаланишда, шунингдек уларни жорий ва мукамал таъмирлашда	2010 йил IV чорак	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
3.9.	ички ишлаб чиқариш транспортдан фойдаланишда	2011 йил II чорак	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
3.10.	автомобиль транспортда йўловчилар ташишда	2010 йил IV чорак	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
3.11.	автомобилларни таъмирлаш корхоналари ходимлари учун	2012 йил I чорак	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
3.12.	автомобиль транспорти ходимлари учун	2011 йил II чорак	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзавтоўл» ДАК, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши
3.13.	нашриётлар ва таҳририятлар ходимлари учун	2011 йил I чорак	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
3.14.	металларга кимёвий ишлов бериш ва уларга гальваник ва кимёвий қопламалар суртишда	2010 йил IV чорак	«Ўзавтосаноат» АК
3.15.	металларга қиздириб ишлов беришда	2011 йил I чорак	«Ўзавтосаноат» АК
3.16.	металларга совуқ ишлов беришда	2011 йил II чорак	«Ўзавтосаноат» АК
3.17.	қўргошинли аккумуляторлар ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил II чорак	«Ўзавтосаноат» АК
3.18.	ишқорли аккумуляторлар ишлаб чиқариш ходимлари учун	2014 йил I чорак	«Ўзавтосаноат» АК
3.19.	темирчилик-пресслаш ишлаб чиқариши ходимлари учун	2011 йил III чорак	«Ўзавтосаноат» АК
3.20.	абразив асбоблар билан ишлашда	2011 йил IV чорак	«Ўзавтосаноат» АК
3.21.	қурилиш материаллари ва полимер хом ашёдан буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун	2014 йил I чорак	«Ўзқурилишматериаллари» АК, «Давархитектқурилиш» қўмитаси
3.22.	ойна ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил IV чорак	«Ўзқурилишматериаллари» АК, «Давархитектқурилиш» қўмитаси
3.23.	силикат ғишт ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил IV чорак	«Ўзқурилишматериаллари» АК, «Давархитектқурилиш» қўмитаси
3.24.	нометалл ишлаб чиқариш ходимлари учун	2014 йил I чорак	«Ўзқурилишматериаллари» АК, «Давархитектқурилиш» қўмитаси
3.25.	санитария-техника асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш ходимлари учун	2014 йил I чорак	«Ўзқурилишматериаллари» АК, «Давархитектқурилиш» қўмитаси
3.26.	норуда қурилиш материаллари: каолин ишлаб чиқариш ходимлари учун	2012 йил I чорак	«Ўзқурилишматериаллари» АК, «Давархитектқурилиш» қўмитаси
3.27.	цемент ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил II чорак	«Ўзқурилишматериаллари» АК, «Давархитектқурилиш» қўмитаси

Т/р	Норматив ҳужжатнинг номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
3.28.	қанд-шакар ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил IV чорак	Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
3.29.	қандолатчилик ишлаб чиқариши ходимлари учун	2011 йил II чорак	Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
3.30.	тамаки ишлаб чиқариш ходимлари учун	2010 йил IV чорак	Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
3.31.	пиво пишириш ва алкогольсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ходимлари учун	2012 йил I чорак	Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
3.32.	шаҳар электр транспортада ишлашда	2011 йил I чорак	«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси
3.33.	пойабзал ишлаб чиқариш ходимлари учун	2010 йил IV чорак	«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси
3.34.	мўйнадан ва кўй терисидан пўстин ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил II чорак	«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси
3.35.	чарм-галантерея ишлаб чиқариш ходимлари учун	2012 йил II чорак	«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси
3.36.	гўшт-сут етиштириш ходимлари учун, шу жумладан заҳарланган хом ашё билан ишлашда	2010 йил IV чорак	«Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси
3.37.	кабель ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил I чорак	«Ўзэлтханоат» уюшмаси
3.38.	радиоэлектрон ишлаб чиқариш ходимлари учун	2012 йил I чорак	«Ўзэлтханоат» уюшмаси
3.39.	ёруғлик манбалари ва ёруғлик-техника асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил III чорак	«Ўзэлтханоат» уюшмаси
3.40.	оптик деталларга механик ишлов беришда	2014 йил I чорак	«Ўзэлтханоат» уюшмаси
3.41.	изоляцияли электр материаллар, шу жумладан электр сопол материаллар ишлаб чиқариш ходимлари учун	2014 йил I чорак	«Ўзэлтханоат» уюшмаси
3.42.	шаҳар йўларини қуриш ва таъмирлашда	2012 йил II чорак	«Ўзавтойўл» ДАК
3.43.	асфальт-бетон заводларида ишлашда	2012 йил II чорак	«Ўзавтойўл» ДАК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги
3.44.	автомобиль йўларини қуриш, таъмирлаш ва сақлашда	2010 йил IV чорак	«Ўзавтойўл» ДАК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги
3.45.	йўл қурилиши материаллари ишлаб чиқаришда	2011 йил II чорак	«Ўзавтойўл» ДАК, «Ўзқурилишматериаллари» АК
3.46.	йўл қурилиши машиналарида ишлашда	2011 йил IV чорак	«Ўзавтойўл» ДАК, «Ўзқурилишматериаллари» АК
3.47.	бактерияли ва вирусли препаратлар ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил II чорак	«Ўзфарманоат» ДАК, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.48.	норуда материаллар, (шағал, қум) ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил II чорак	«Давархитектқурилиш» кўмитаси
3.49.	қўриқлаш-ёнгин сигнализацияси воситаларини монтаж қилиш, таъмирлаш ва улардан техник фойдаланиш ишларида	2010 йил IV чорак	Ички ишлар вазирлиги
3.50.	қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда	2010 йил IV чорак	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.51.	патология-анатомия бўлинмалари ва ўликхоналар (патогистология ва судгистология лабораториялари), даволаш-профилактика ва суд-тиббиёт муассасалари, институтлари ва таълим муассасалари учун	2012 йил I чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.52.	тиббиёт техникасидан фойдаланишда	2011 йил III чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Т/р	Норматив ҳужжатнинг номи	Бажариш мuddатлари	Масъул бажарувчилар
3.53.	дезинфекция станциялари, дезинфекция бўлимлари, профилактик дезинфекция бўлинмалари, санитария-эпидемиология станциялари ходимлари учун	2011 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.54.	тиш даволаш поликлиникалари ва кабинетлари ходимлари учун	2011 йил IV чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.55.	физioterапевтик бўлинмалар (кабинетлар) ходимлари учун	2012 йил I чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.56.	соғлиқни сақлаш муассасаларининг жарроҳлик бўлимларида ишлашда	2012 йил I чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.57.	психиатрия касалхоналари ходимлари учун	2010 йил IV чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.58.	санитария-эпидемиология муассасалари лабораторияларида (бўлинмаларида, бўлимларида) ишлашда	2011 йил I чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.59.	тиббиёт техникасини монтаж қилиш, унга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлашда	2011 йил I чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.60.	фавқулодда вазиятларда тиббиёт ходимлари учун	2012 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
3.61.	сил касаллигига қарши муассасалар ходимлари учун	2012 йил II чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти
3.62.	таълим муассасаларининг ўқув хоналарида машгулотлар ўтказишда	2011 йил II чорак	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази
3.63.	ҳайвонот парклари (ҳайвонот боғлари) ва цирк корхоналари ходимлари учун	2011 йил I чорак	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
3.64.	халқ бадийи хунармандчилиги ва совгалар ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун	2011 йил IV чорак	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
3.65.	кутубхоналар ходимлари учун	2012 йил II чорак	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
3.66.	муסיқа асбоблари ишлаб чиқариш ходимлари учун	2012 йил I чорак	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
3.67.	музейлар, театрлар ва концерт заллари ходимлари учун	2010 йил IV чорак	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
3.68.	боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари учун	2011 йил II чорак	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
3.69.	спорт иншоотларидан фойдаланишда	2010 йил IV чорак	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши
3.70.	балиқчилик ишлаб чиқариши ходимлари учун	2011 йил IV чорак	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
3.71.	ўрмон хўжалиги ходимлари учун	2011 йил IV чорак	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
3.72.	тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва асбоб-ускуналарини қўллашда, уларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашда	2011 йил II чорак	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Ўзагроташсервис» уюшмаси
3.73.	пестицидлар билан ишлов берилган участкалардаги қишлоқ хўжалиги ишларида	2011 йил IV чорак	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Ўзагроташсервис» уюшмаси

Т/р	Норматив ҳужжатнинг номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
3.74.	чорвачилик ходимлари учун	2011 йил II чорак	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Ўзгўштсуганоат» уюшмаси
3.75.	қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини транспортда ташишда	2010 йил IV чорак	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Ўзгўштсуганоат» уюшмаси
3.76.	паррандачиликда фойдаланиладиган машиналар ва асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатишда	2011 йил I чорак	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси
3.77.	хайвонотчилик хўжаликлари ходимлари учун	2013 йил II чорак	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
3.78.	савдо корхоналари ходимлари учун	2011 йил II чорак	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
3.79.	маиший хизмат кўрсатиш ходимлари учун	2013 йил III чорак	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
3.80.	ошхоналар, рестороанлар ҳамда бошқа корхоналар ва ишлаб чиқаришларда озиқ-овқат тайёрлаш ва аҳолига хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимлар учун	2013 йил IV чорак	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
3.81.	металл ва нометалл ноорганик қопламалар ишлаб чиқаришда	2012 йил III чорак	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
3.82.	электр приборлари ва ташкилий техника билан ишлашда, уларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатишда	2012 йил I чорак	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
3.83.	махсус суюқликлар (бензин, бензол, сульфат кислота, ишқорлар, техник мойлар) билан ишлашда	2010 йил IV чорак	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК
3.84.	авиация-кимё ишларини амалга оширишда	2012 йил IV чорак	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК
3.85.	лок-бўёқ материаллари билан ишлашда	2011 йил I чорак	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК
3.86.	телевидение ва радио эшиттириш ходимлари учун	2011 йил II чорак	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
3.87.	кинотаъмирлаш устахоналари ходимлари учун	2013 йил IV чорак	«Ўзбеккино» миллий агентлиги
3.88.	кинодан нусха кўчириш фабрикалари ходимлари учун	2013 йил IV чорак	«Ўзбеккино» миллий агентлиги
3.89.	кино-видео ижараси корхоналари ходимлари учун	2011 йил III чорак	«Ўзбеккино» миллий агентлиги
3.90.	киностудиялар ходимлари учун	2010 йил IV чорак	«Ўзбеккино» миллий агентлиги
3.91.	томёпгич ва гидроизоляцияцион ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил II чорак	«Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзқурилишматериаллари» АК
3.92.	почта алоқаси объектлари ходимлари учун	2011 йил IV чорак	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
3.93.	линияли алоқа иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишда	2012 йил II чорак	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
3.94.	телефон ва телеграф станциялари ходимлари учун	2011 йил II чорак	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
3.95.	консерва ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил I чорак	«Ўзвиносаноат-холдинг» ХК, «Ўзгўштсуганоат» уюшмаси
3.96.	таълим муассасаларида бошлангич ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ўтказишда	2011 йил II чорак	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази
3.97.	таълим муассасаларининг ўқув ва ўқувишда ишлаб чиқариш устахоналари учун	2011 йил IV чорак	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази

Т/р	Норматив ҳужжатнинг номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
4.	Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тасдиқланадиган Ишлар хавфсизлиги қондалари:		
4.1.	буг босими 0,07 МПдан кўп бўлмаган буг қозонларини, сув ҳарорати 338° К (115°С)дан юқори бўлмаган сув иситиш қозонлари ҳамда сув иситгичларни ўрнатиш ва улардан фойдаланишда	2012 йил II чорак	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
4.2.	ортиқча босимли сув иситиш қозонлари, сув иситгичлар ва буг қозонларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда	2013 йил II чорак	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
4.3.	аҳоли пунктларидаги сув таъминоти ва сув етказиш тизимларидан фойдаланишда	2010 йил IV чорак	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
4.4.	буг ва иссиқ сув қувурлари қуриш ва улардан фойдаланишда	2011 йил IV чорак	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
4.5.	саноат ишлаб чиқаришларининг сув қувурлари ва канализация иншоотлари ҳамда тармоқларидан фойдаланишда	2011 йил II чорак	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзгўштсаноат» уюшмаси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар
4.6.	нон пишириш ходимлари учун	2011 йил I чорак	«Ўздонмахсулот» АК
4.7.	донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида	2012 йил II чорак	«Ўздонмахсулот» АК
4.8.	нон пиширишдаги оловли ишларни бажаришда	2010 йил IV чорак	«Ўздонмахсулот» АК
4.9.	хамиртуруш ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил II чорак	«Ўздонмахсулот» АК, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
4.10.	гидриданган мойлар ишлаб чиқариш ходимлари учун	2010 йил IV чорак	Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
4.11.	пресслаш ва экстракциялаш усули билан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ходимлари учун	2013 йил I чорак	Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
4.12.	маргарин ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил I чорак	Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
4.13.	тозаланган табиий мой кислоталари ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил IV чорак	Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
4.14.	олиф ишлаб чиқариш ходимлари учун	2012 йил I чорак	Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
4.15.	қуруқ муз ва карбонат кислоталар ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил III чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК
4.16.	атторлик-пардоз буюмлари ва тубиклари ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил IV чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК
4.17.	сульфат кислотани ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллашда	2012 йил I чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК
4.18.	синтетик смолалар ишлаб чиқариш ходимлари учун	2010 йил IV чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК
4.19.	эпоксид смолалар ва улар асосидаги материаллар билан ишлашда	2010 йил IV чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК
4.20.	кислород ишлаб чиқариш ходимлари учун	2011 йил II чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК
4.21.	хлорид кислотани ишлаб чиқариш ва қўллашда	2012 йил IV чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК
4.22.	толуолни сақлаш ва қўллашда	2012 йил IV чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК
4.23.	резина-техника ишлаб чиқариш ходимлари учун	2010 йил IV чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК

Т/р	Норматив ҳужжатнинг номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
4.24.	метан ва аммиакни ҳаво кислороди ва каталитик оксидлаш усулида цианид кислота ишлаб чиқаришни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишда	2011 йил I чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК
4.25.	полимер композицион материаллар билан ишлашда	2012 йил I чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Кимё ва полимерлар физикаси институти
4.26.	полимер материалларни реактор орқали олишда	2011 йил II чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Кимё ва полимерлар физикаси институти
4.27.	метанолни ташиш, сақлаш ва қўлашда	2012 йил II чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Кимё ва полимерлар физикаси институти
4.28.	ишқорли металллар билан ишлашда ва уларни сақлашда	2012 йил I чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Кимё ва полимерлар физикаси институти
4.29.	пестицидларни сақлаш, транспортда ташиш ва қўлашда	2011 йил I чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
4.30.	меркаптанларни қўлашда	2010 йил IV чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
4.31.	пластик массаларни қайта ишлаш корхоналари ходимлари учун	2011 йил IV чорак	«Ўзкимёсаноат» ДАК, «Совпластитал» ҚК
4.32.	юк кўтаргич (минора)ларни ўрнатиш ва улардан хавфсиз фойдаланишда	2011 йил II чорак	«Тошшаҳарнур» ДУК
4.33.	ядро физикаси корхоналарида	2011 йил II чорак	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти
4.34.	осма йўллар қуриш ва улардан хавфсиз фойдаланиш	2011 йил I чорак	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
4.35.	нефть-газ қазиб олиш корхоналари ходимлари учун	2011 йил I чорак	«Ўзбекнефтьгаз» МХК
4.36.	нефть саноатида ёнгин хавфсизлиги	2013 йил I чорак	«Ўзбекнефтьгаз» МХК
4.37.	нефть базалари, тургун, контейнерли ва кўчма автоёқилги қуйиш шохобчаларидан фойдаланишда	2011 йил III чорак	«Ўзбекнефтьгаз» МХК
4.38.	магистрал нефть маҳсулотлари қувурларидан фойдаланишда	2011 йил I чорак	«Ўзбекнефтьгаз» МХК, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси
4.39.	«Ўзнефтьмаҳсулот» АК корхоналарини ишлатишда ёнгин хавфсизлиги	2013 йил III чорак	«Ўзбекнефтьгаз» МХК, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси
4.40.	магистрал нефть маҳсулотлари қувурлари қуришда	2012 йил I чорак	«Ўзбекнефтьгаз» МХК, «Ўзмонтажмаҳсулқурилиш» уюшмаси
4.41.	мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ходимлари учун	2010 йил IV чорак	«Ўзвиносаноат-холдинг» ХК, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
III. Якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул бериш нормалари			
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади			
5.	Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларини қуйидаги ходимлар учун бепул беришнинг намунавий нормалари:		
5.1.	«Ўзстандарт» агентлиги, меҳнатнинг зарарли ва ўта зарарли шароитларида иш билан банд бўлганлар	2011 йил III чорак	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги

Т/р	Норматив ҳужжатнинг номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
5.2.	уй-жой-коммунал хўжалиги	2011 йил I чорак	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
5.3.	машинасозлик ва металлга ишлов бериш	2010 йил IV чорак	«Ўзавтосаноат» АК
5.4.	ёғ-мой ва тамаки ишлаб чиқариш	2011 йил II чорак	Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
5.5.	озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2011 йил I чорак	Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси
5.6.	радиотехник ва электрон буюмлар ишлаб чиқариш	2011 йил I чорак	«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси
5.7.	енгил саноат корхоналари	2011 йил III чорак	«Ўзбекенгилсаноат» ДАК
5.8.	авиасозлик	2010 йил IV чорак	«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти
5.9.	қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш корхоналари	2011 йил II чорак	«Давархитектқурилиш» қўмитаси
5.10.	ядро хавфсизлиги хизматлари	2011 йил III чорак	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти
5.11.	маданият	2011 йил I чорак	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
5.12.	балиқчилик корхоналари	2010 йил IV чорак	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси
5.13.	маиший хизмат кўрсатиш	2011 йил II чорак	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
5.14.	савдо	2012 йил II чорак	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
5.15.	фуқаро авиацияси	2012 йил I чорак	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК
5.16.	нефть ва газ корхоналари	2010 йил IV чорак	«Ўзбекнефтьгаз» МХК

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 20 июлдаги 153-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида» 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банднинг иккинчи хатбоши ва 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 2-иловада:

а) кириш қисми чиқариб ташлансин;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Тартиб «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш, шунингдек қайта кўриб чиқишнинг ягона тизимини белгилайди.

Мазкур Тартиб давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини (кейинги ўринларда Қоидалар деб аталади) ишлаб чиқувчи ва уларни қайта кўриб чиқувчи бошқа ташкилотлар фаолиятига татбиқ этилади»;

в) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Қоидаларнинг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши ёки қайта кўриб чиқилиши, уларнинг келишилиши, тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар масъул ҳисобланади»;

г) 4-банддан «ва бошқа ташкилотлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Вазирликлар ва идоралар белгиланган тартибда қабул қилинган Қоидаларни барча манфаатдор шахсларга етказди»;

е) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Ҳажми ва мазмунига боғлиқ равишда Қоидалар қуйидаги пасайиб боровчи таркибий бирликларга бўлинади: бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар. Хатбошиларни бошқа таркибий бирликларга бўлишга йўл қўйилмайди.

Бўлимлар ва боблар рим рақамлари билан белгиланади ва уларда сарлавҳа бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, уларга араб рақамлари билан тартиб рақами қўйилади ва уларда сарлавҳа бўлади»;

ж) 20-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

з) 22-банднинг олтинчи ва тўққизинчи хатбошидаги «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» сўзлари «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 23-банддаги «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» сўзлари «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 24-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«24. Вазирликлар ва идоралар тасдиқланган Қоидаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборадилар»;

л) 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.